

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.03.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ОДИЛОВ ФУРКАТ УМАРБЕКОВИЧ

**ОҚ ЧЎЯНЛАРДАН ҚУЙМА УСУЛИДА ОЛИНАДИГАН
МАШИНАСОЗЛИК ДЕТАЛЛАРИНИНГ ЕЙИЛИШБАРДОШЛИГИНИ
ОШИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қуймакорлик. Металларга термик
ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси.
Камёб, нодир ва радиоактив элементлар технологияси (қуймачилик ва металларга
ишлов бериш технологияси йўналиши)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори(PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Одилов Фуркат Умарбекович

Оқ чўянлардан қуйма усулида олинадиган машинасозлик деталларининг ейилишбардошлигини ошириш технологиясини ишлаб чиқиш3

Одилов Фуркат Умарбекович

Разработка технологии повышения износостойкости машиностроительных деталей из белого чугуна, получаемых методом литья.....25

Odilov Furkat Umarbekovich

Development of technology for increasing the wear resistance of machine-building parts by casting from white cast iron45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works48

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.03.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ОДИЛОВ ФУРКАТ УМАРБЕКОВИЧ

ОҚ ЧЎЯНЛАРДАН ҚУЙМА УСУЛИДА ОЛИНАДИГАН
МАШИНАСОЗЛИК ДЕТАЛЛАРИНИНГ ЕЙИЛИШБАРДОШЛИГИНИ
ОШИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қуймакорлик. Металларга термик
ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси.
Камёб, нодир ва радиоактив элементлар технологияси (қуймачилик ва металларга
ишлов бериш технологияси йўналиши)

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Г724 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасининг (www.tdtu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Атажанов Гапур Латибович
техника фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар: Норхуджаев Файзулла Рамазанович
техника фанлари доктори, профессор
Худояров Сулейман Рашидович
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: Фарғона политехника институти

Диссертация химояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Г.03.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «22» декабрь соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Университет кўчаси 2-уй. Тел/факс.: (99871) 277-10-32, e-mail: tadqiqotchi@tdtu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (233 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Университет кўчаси 2-уй. Тел/факс.: (99871) 277-10-32).

Диссертация автореферати 2021 йил «09» декабрь куни тарқатилди.
(2021 йил «09» декабрдаги №131 рақамли реестр баённомаси).




К.А. Каримов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
техника фанлари доктори, профессор


Ш.Б. Ташбулатов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
техника фанлари бўйича фалсафа доктори


Н.Д. Тураходжаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, техника фанлари доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда замонавий металлургия саноатида олиниши арзон ва қулай бўлган оқ чўянлардан ейилишбардош машинасозлик деталларини ишлаб чиқариш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга машинасозлик деталларини қуйма усулда ишлаб чиқаришда ресурс тежамкорлигини таъминлаш, суюк қотишмага ишлов беришда қўлланиладиган қимматбаҳо модификаторларнинг сарфини камайтириш, ейилишбардош структура ҳосил қилишда самарали технологияларни қўллаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бу борада ривожланган мамлакатлар, жумладан АҚШ, Германия, Италия, Испания, Россия, Хитой ва бошқа мамлакатларнинг илмий-тадқиқот марказларида оқ чўянлардан ейилишбардош машинасозлик деталларини ишлаб чиқаришда сифатли структура яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Йилдан-йилга ишлаб чиқариш миқдорининг ошиши сабабли ейилишбардошли оқ чўянлардан тайёрланадиган деталларнинг сифатига бўлган талабнинг ортиши ресурс тежамкорлигини таъминлайдиган самарали усул асосида сифатли оқ чўянлардан қуйма деталлар олиш технологиясини яратиш ва уни амалиётга татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда ейилишбардош оқ чўянлардан қуйма усулда машинасозлик деталларини олишда қотишма структурасини яхшилаш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича кенг кўламда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан оқ чўян таркибига модификатор сифатида хром элементларини киритиш усулини қўллаш, турли модификаторлар ёрдамида структуранинг шаклланишини меъёрлаш, шаклланаётган структурадаги карбидларнинг ўсиш йўналишини бошқариш ва термик ишлов бериш режимларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу соҳада мақсадли илмий тадқиқотлар, жумладан, қуйидаги йўналишлардаги илмий изланишларни амалга ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади: ейилишга бардошли оқ чўянларнинг ишлаш муҳитини эътиборга олиб, қотишма таркибини замонавий дастурлар ёрдамида ҳисоблаш ва ишлаб чиқиш; ейилишбардош юза ҳосил қилишда ресурс ва энергия тежамкорлигини таъминлайдиган технологияни ишлаб чиқиш зарур ҳисобланади.

Республикамизда минерал ресурслардан комплекс фойдаланиш, ишлаб чиқариш соҳаларида маҳаллий хомашёлардан кенг фойдаланиш ва жаҳонда рақобатбардошликни таъминлайдиган технологияларни яратиш чоратадбирлари амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ... иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган

технологияларни кенг жорий этиш»¹ вазифаси белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, жумладан, мавжуд хомашё ресурсларидан оқилона фойдаланиш, оқ чўянлардан машинасозлик деталларини ишлаб чиқишда камчиқиндилли технологияларни амалиётга татбиқ этиш ҳамда оқ чўянлардан ишқаланиш юзасидаги ейилишбардошликни таъминлайдиган структура ҳосил қилиш технологиясини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2016 йил 26 декабрдаги ПҚ-2698-сон «2017-2019 йилларда тайёр маҳсулот турлари, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг истиқболли лойиҳаларини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сон «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишлариги мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё олимлари томонидан оқ чўянлардан ейилишбардош машинасозлик деталларини ишлаб чиқаришда самарали технологияни яратиш бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Дунёнинг етакчи олимлари, жумладан Американинг кон бошқармасидаги Олбани тадқиқот маркази тадқиқотчиси Джордж Лэрд ва Жанубий Австралиянинг Вудвиллдаги Ҳамдўстликнинг илмий тадқиқотлар ташкилоти (CSIRO) бош илмий ходими Грэм Л.Ф. Пауэлл томонидан юқори хромли оқ чўянларни кремний ёрдамида легирлаш тадқиқотлари олиб борилган. Тадқиқотлар натижасида юқори хромли оқ чўян таркиби кремний билан легирланганида эвтектик карбидларнинг миқдори кўпайиши ва натижада ейилишбардошликнинг ортиш механизми ишлаб чиқилган. Американинг Миссури илм ва технологиялар университети, Жоржия Жанубий университети ва Иллинойс Caterpillar Inc. олимлари оқ чўян таркибида графитнинг мавжудлиги ейилишбардошликни 4-6% га оширишга хизмат қилишини аниқлашган. Италиянинг Via Branze (DIMI), Dragflow SRL, Via Paesa илмий тадқиқот институтлари олимлари Марчелло Гелфи, Пола Лука, Marianovella Masotti ва Giovina Марина La Vecchia лар томонидан 1160 °С ҳароратда юқори хромли оқ чўянларга ишлов берилганида эрозиябардошлигини ошириш механизмини ишлаб чиқишган. Испаниянинг

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

Овьедо университети материалшунослик гурухи аъзолари Алехандро Гонсалес-Посиньо, Флорентино Альварес-Антолин ва Хуан Асенсио-Лозанолар хромли молибден билан легирларнган оқ чўянларнинг ейилишбардошлигини оширишдаги турли ностабил термик ишлов бериш механизмларини аниқлашган. Бунда мой муҳитида 12 соат давомида тобланган оқ чўяннинг қаттиқлиги 993 НВ га етиши, ҳавода совутилган намуналарда эса бу кўрсаткич 661 НВдан ошмаслиги аниқланган. Хитойнинг Цзинань университети ва Ейилишбардош ва коррозиябардош функционал илғор материаллар институти тадқиқотчиалри Чжэн Jiandong Син, Вэй Ли Xiaohui ва Ту Yongxin Jian лар томонидан олиб борилган илмий изланишлар натижасида оқ чўян таркибига хромнинг кўшилиши натижасида унинг қовушқоқлиги 172-174% га ортиши аниқланган ва ейилишбардошлигининг бир қанча ортиши билан цементитнинг синергетик эффекти пасайиши кузатилган. Бунда ейилишбардошликни 15-16% га ортиши намунага кўйилган юкламанинг ортиши билан боғлиқлик даражаси аниқланган.

МДХ олимлари О.Н.Доронин оқ чўян билан электрод материалининг титан карбидининг юқори ҳароратларда боғлиқлик концентрациясини ишлаб чиққан. Бунда энергиянинг 0,4 Дж дан ортиши натижасида концентрациянинг бир меъёрда камайиши ва 3,0 Дж га етганда тўла йўқолиши кузатилган. Натижада энергетик режим танлашда чегара миқдорларини аниқлаш имкони пайдо бўлган.

А.И.Орехова, Л.Я.Козлов ва Е.В.Рожковалар олиб борган илмий изланишлар натижасида 3-5% хромли чўянларда бирламчи структурани бошқариш асосида хром-карбид эвтектикасини олиш технологияси ишлаб чиқилган. Натижада чўяннинг мустақкамлиги 15-20% га ошириш имкони яратилган. Таркибида 18-19 % хромли оқ чўянда бирламчи ва эвтектик карбидларнинг майда донали структурасини ҳосил қилиш технологияси ишлаб чиқилган.

Шунингдек, оқ чўянларнинг ейилишбардошлигини ошириш ва деталларнинг хизмат муддатини ошириш бўйича Ўзбекистонда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ўзбек олимлари Н.Д.Тураходжаев, Ю.Н.Мансуров, Н.М.Саидмахаматов, З.М.Бободустов, У.Ж.Рахимовлар оқ чўянларни хром билан ишлов бериш натижасида ейилишбардош юза ҳосил қилиш учун қолипга қуйиш технологиясини ишлаб чиқишган. Натижада бир марталик қолипга қуйилган оқ чўянларда юза қаттиқлигини 12-14% га ошириш микони яратилган.

Оқ чўянлардан қуйма маҳсулотлар олишда юза қаттиқлиги ва ейилишбардошлигини ошириш соҳасида кўплаб илмий натижаларга эришилишига қарамай, ҳали ечимини топпаган муаммолар кўп. Жумладан, оқ чўянларнинг ейилишбардошлигига катта таъсир қилиши мумкин бўлган ейилиш юзасига нисбатан карбидларнинг перпендикуляр жойлашишини таъминлайдиган технологияси ишлаб чиқилмаган. Юқорида келтирилган муаммолар ечимини топиш учун оқ чўянларда хром миқдорини оширмаган ҳолда улардаги карбидларнинг ейилиш юзасига нисбатан перпендикуляр

жойлашишини таъминлайдиган технологияни ишлаб чиқиш учун тадқиқотлар ўтказиш зарур.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг №2/2020 «300X32H2M2TЛ маркали ейилишбардош оқ чўяннинг ейилишбардошлигини карбидларнинг ишқаланаётган юзага перпендикуляр жойлаштириш ҳисобига ошириш» (2020 й.) хўжалик шартномаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади оқ чўянлардан қўйма усулида олинадиган машинасозлик деталларининг ейилишбардошлигини ошириш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

оқ чўянларнинг хоссаларини ва қўлланилиш соҳаларини таҳлил қилиш; ейилишбардош юза ҳосил қилиш учун олиб борилаётган илмий тадқиқотларни таҳлил қилиш;

бир марталик қолипларга оқ чўян қуйишда машинасозлик деталлари юзаларида ейилишбардош юза ҳосил қилиш технологиясини ишлаб чиқиш; қолипга оқ чўянни қуйишда қотишма таркибига хром элементини киритишнинг самарали технологиясини ишлаб чиқиш;

қолип ичида оқ чўяннинг кристалланишида ейилишбардош юза ҳосил қилиш технологиясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Навоий КМК» ДКнинг «НМЗ» корхонасида ишлаб чиқиладиган 300X32H2M2TЛ маркали оқ чўян олинган.

Тадқиқотнинг предмети оқ чўянни қуймакорлик қолипида қуйиш даврида машинасозлик деталининг юзасига хром элементини киритилишини таъминлайдиган технологияси ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида оқ чўяндан машинасозлик деталларини қолипга қуйиб олишда карбидларнинг ўсиш технологияларини тадқиқ этишнинг замонавий назарий ва экспериментал усуллари, ИК-спектроскопия намуналари структурасини ўрганиш, электрон микроскоп ёрдамида қум-гилли қолипларда қўймалар олишда совутгичлардан фойдаланиш асосида структуравий ўзгаришларни аниқлаш ҳамда қўйма усулда олинган намунанинг ейилишбардошлик даражасини аниқлаш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қотишма таркибидаги нометалл қўшимчалар миқдорининг камайишини таъминлайдиган оқ чўянга печдан ташқари ишлов бериш технологияси нометалл қўшимчаларнинг металл таркибидаги диффузиясининг қонуниятлари асосида ишлаб чиқилган;

оқ чўянни қолипга қуйишда ва қолип ичида совутилишида йўналтирилган кристалланиш жараёнини металлнинг иссиқлик физика хоссалари асосидаги технологияси ишлаб чиқилган;

оқ чўянни қолип ичида йўналтирилган кристалланишини таъминлайдиган технология қотишмаларнинг қолип ичидаги иссиқлик алмашинуви натижасида ҳосил бўладиган ҳарорат градиенти асосида ишлаб чиқилган;

оқ чўяннинг ейилишбардошлигини сақлаган ҳолда унинг таркибидаги хром миқдорини камайтириш технологияси унинг кокил материалнинг иссиқлик физика хоссалари асосида ишлаб чиқилган;

Оқ чўянлар кимёвий таркиби асосида уларнинг структурасидаги карбидлар ($M3C \rightarrow M23C6$) ҳосил бўлиши назарияси тадқиқ этилган. Карбидлар хоссаларини фойдали ишлатиш мақсадида уларни миқдорини ошириш усуллари ҳамда кристалланиш усуллари таҳлили асосида карбидларнинг йўналтирилган кристалланишининг назарий асоси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

оқ чўянларни суюқлантиришда ресурс тежамкорлигини таъминлайдиган технология ишлаб чиқилган;

оқ чўянларни ишлаб чиқишда деталларнинг хизмат муддатини оширишни таъминлайдиган печдан ташқари ишлов бериш ишлаб чиқилган;

оқ чўянлардан олинадиган деталларнинг ейилишбардошлигини ошириш имконини берадиган қотишманинг қолип ичида йўналтирилган кристалланишини таъминлайдиган технология ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги аниқ қўйилган вазифа асосида олинган маҳсулотларнинг физик ва технологик хоссаларини ўрганишда замонавий ИК-спектроскопия, электрон микроскоп, рентгенография ва дифференциал-термик таҳлил усуллари ёрдамида аниқланган натижалар билан таққослаш орқали изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти индукцион ИЧТ 2,5 печида легирланган оқ чўянни суюқлантириш ва кокилга қуйишда ресурс тежамкор технологияни ишлаб чиқиш билан изоҳланади;

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти легирланган оқ чўяндан деталлар тайёрлашда маҳсулотнинг таннархи 16-18% га камайишини таъминлайдиган технологиясининг ишлаб чиқилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Оқ чўянлардан қуйма усулида олинадиган машинасозлик деталларининг ейилишбардошлигини ошириш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

қотишма таркибидаги нометалл қўшимчаларнинг камайишини таъминлайдиган оқ чўянга печдан ташқари ишлов бериш технологияси “Навоий КМК” ДКнинг “Навоий машинасозлик заводи”га жорий қилинган («Навоий КМК» ДКнинг 2020 йил 25 декабрдаги №02-06-04/13690-сон маълумотномаси). Натижада деталларнинг қаттиқлиги 15-18% га ортган;

оқ чўяннинг қолип ичида йўналтирилган кристалланишини таъминлайдиган технология “Навоий КМК” ДКнинг “Навоий машинасозлик заводи”га жорий қилинган («Навоий КМК» ДКнинг 2020 йил 25 декабрдаги №02-06-04/13690-сон маълумотномаси). Натижада қўймаларнинг хизмат муддати 10-12% га оширилган;

оқ чўян олишда карбидларнинг ейилиш юзасига нисбатан перпендикуляр жойлашишини таъминлайдиган технология “Навоий КМК” ДКнинг “Навоий машинасозлик заводи”га жорий қилинган («Навоий КМК» ДКнинг 2020 йил 25 декабрдаги №02-06-04/13690-сон маълумотномаси). Натижада қўйма маҳсулотларнинг хизмат муддати 18-20% га ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг тадқиқот натижалари 15 та, жумладан 14 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида ва симпозиумларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 11 та мақола, шу жумладан 8 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Оқ чўянлардан олинган машинасозлик деталларининг ейилишбардошлигини ошириш технологиясини ишлаб чиқишнинг замонавий ҳолати ва истиқболи**» деб номланган биринчи бобида оқ чўянлардан машинасозлик деталларини ишлаб чиқаришдаги мавжуд технологиялар, оқ чўяннинг таркибини легирлаш усуллари, оқ чўяндан олинадиган деталларнинг ишчи юзалари ейилишбардошлигини оширишнинг замонавий аҳволи таҳлил қилинган.

Чет эл ҳамда республикамиз олимларининг оқ чўяндан олинадиган деталларнинг қаттиқлиги, мустаҳкамлиги ва ейилишбардошлигини ошириш бўйича олиб борган илмий тадқиқотлар ишлари таҳлил қилинган ва ўрганилган.

Ушбу диссертацияда келтирилган технологиялар, яъни, юқори микдорда хром билан оқ чўянни бойитиш ҳисобига ейилишбардошликни ошириш, оқ чўяндан олинган машинасозлик деталларини кўшимча элемент билан

легириш, деталларнинг юза қаттиқлигини термик ишлов бериш асосида ошириш, оқ чўяндан машинасозлик деталларини куйма усулда олиш жараёнининг ўзида ейилишбардошлигини таъминлаш ва хром сарфини камайтириш асосида юза қаттиқлигини ҳосил қилиш технологияси керакли даражада ўрганилмаганлиги аниқланди.

1-боб бўйича хулосалар.

Оқ чўянлардан куйма маҳсулотлар олишда юза қаттиқлиги ва ейилишбардошлигини ошириш соҳасида кўплаб илмий натижаларга эришилишига қарамай, ҳали ечимини топмаган муаммолар кўп. Жумладан, оқ чўянларнинг ейилишбардошлигига катта таъсир қилиши мумкин бўлган ейилиш юзасига нисбатан карбидларнинг перпендикуляр жойлашишини таъминлайдиган технологияси ишлаб чиқилмаган. Юқорида келтирилган муаммолар ечимини топиш учун оқ чўянларда хром миқдорини оширмаган ҳолда улардаги карбидларнинг ейилиш юзасига нисбатан перпендикуляр жойлашишини таъминлайдиган технологияни ишлаб чиқиш учун тадқиқотлар ўтказиш зарур.

Диссертациянинг «**Тадқиқот объектини танлаш ва оқ чўян структурасини тадқиқ қилиш методикасини ишлаб чиқиш**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектини танлаш, қўлланиладиган маҳсулотларнинг асосий физик ва кимёвий хоссаларини ёритиб бериш ҳамда физик-механик, кимёвий ва физик хоссаларинини ўрганишда замонавий усул ва дастгоҳлардан (ИК-спектроскопия, электрон микроскоп, гранулометрик таҳлил) фойдаланилганлик ҳақида маълумотлар келтирилган.

Тадқиқот объекти сифатида «Навоий КМК» ДК таркибидаги “Навоий машинасозлик заводи” ишлаб чиқариш корхонасида ишлаб чиқарилаётган оқ чўянлар танланган. Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илғор технологиялар маркази лаборатория шароитида фазалар идентификацияси ҳамда бир ёки бир нечта аниқ тасвирлар ҳосил қилиш ва сирт хоссаларини аниқлашни сканерловчи электрон микроскоп (СЭМ-Zeiss EVO MA 10 (Carl Zeiss)) ва (Empyrean Malvern Panalytical) интеллектуал дифрактометри асосида ўтказилган.

Қотишмаларнинг механик хоссаларини аниқлашда “P-50 M” рақамли автотехника машинаси ёрдамида амалга оширилган.

Олинган намунанинг қаттиқлиги металл ва қотишмаларнинг қаттиқлигини ўлчаш учун мўлжалланган (Dura Vision-20) рақамли қурилма орқали аниқланган.

2-боб бўйича ишлаб чиқилган хулосалар.


1. Бир ёки бир нечта аниқ тасвирлар ҳосил қилиш ва сирт хоссалари аниқлашни сканерловчи электрон микроскоп (СЭМ-Zeiss EVO MA 10 (Carl Zeiss)) ва (Empyrean Malvern Panalytical) интеллектуал дифрактометри асосида ўтказилиши танлаб олинди.

2. Олинган намунанинг қаттиқлиги металл ва қотишмаларнинг қаттиқлигини ўлчаш учун мўлжалланган (Dura Vision-20) рақамли қурилма орқали аниқлаш танлаб олинди.


3. Оқ чўядан ишлаб чиқиладиган деталларнинг қаттиқлиги “P-50 M” русумли қурилма ёрдамида аниқланиш усули танлаб олинди.

Диссертациянинг «Қуйма усулда оқ чўянлардан олинадиган машинасозлик деталларининг ейилишбардошлигини ошириш технологиясини ишлаб чиқиш» деб номланган учинчи боби оқ чўянларни хромнинг турли миқдори билан легирлаш асосида юза қаттиқлиги ва ейилишбардошлигини ошириш динамикасини аниқлаш, қотишмага печдан ташқари ишлов берилганида ва қолип ичида кристалланиш жараёнида йўналтирилган кристалланишни таъминлаш ҳисобига карбидларнинг ейилиш юзасига нисбатан перпендикуляр бўлишини таъминлаш бўйича олиб борилган тадқиқотларга бағишланган.


“Навоий КМК” ДК нинг НМЗ корхонасида легирланган оқ чўянни СЭМ Zeiss EVO MA 10 сканерловчи электрон микроскопда олинган элементлар таҳлили натижаси 2-расмда келтирилган. Бунда легирловчи элемент ҳисобида қўлланиладиган хромнинг миқдори ўртача 37% ни ташкил этади. “Навоий КМК” ДК нинг НМЗ корхонасида оқ чўянга хром билан ишлов берилганида олинган структура таҳлили структура майда донали ва нометалл қўшимчаларининг кам миқдорда эканини кўрсатади (2-расм).



1-расм. Сканерловчи электрон микроскопда олинган элементлар таҳлили натижаси.




Элемент	Вес.%	Сигма Вес.%
<u>Fe</u>	55.76	0.48
<u>Cr</u>	36.98	0.41
<u>C</u>	3.01	0.42
<u>Mn</u>	1.67	0.28
<u>Si</u>	1.36	0.12
<u>Ni</u>	1.22	0.30
<u>Cu</u>	0.00	0.00
Сумма:	100.00	



2 - расм. Оқ чўянга хром билан ишлов берилганида олинган структура таҳлили.


Бундай структурани ҳосил қилиш учун ишлаб чиқариш шароитида оқ чўян таркибига суюқлантириш печига ёки ковш ичига ўртача 32-38% хром қўшилиши талаб этилади. Бу эса ўз навбатида сезиларли харажатларга олиб келади ва маҳсулотнинг таннархига салбий таъсир кўрсатади. Талаб этиладиган қаттиқлик ва ейилишбардошликка эга бўлиш учун Тошкент давлат техника университетининг лаборатория шароитида тадқиқотлар олиб борилди. Бунда оқ чўянга қўшиладиган хромни печнинг ичига эмас, балки ковшга ёки суюқ металл бевосита қўйма детални ҳосил қилиш учун қўйиладиган кокил ичига 1-15% миқдори оралиғида амалга оширилди. Керакли механик хоссаларни ҳосил қилиш учун қотишмага турли ишлов бериш усуллари қўлланилди. Жумладан, оқ чўян таркибидаги хром миқдорининг деталнинг ҳажм бўйича нисбий ейилишига боғлиқлигини аниқлаш мақсадида 1 % дан 15 % гача миқдорда аввал ўртача диаметри 6-12 мм бўлган бўлакчалар кўринишида, кейинчалик эса кукун кўринишида киритилди. 3-расмда ковш ичига ва кокилга киритилган хромнинг оқ чўян ейилишига таъсир қилиш даражасини аниқлаш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари келтирилган.



Cr ковшга қўшилгандаги ҳолат
Cr кокилга қўшилгандаги ҳолат


3-расм. Оқ чўян таркибидаги хром миқдорининг деталь ҳажмининг нисбий ейилишига боғлиқлик графиги.

Олинган натижалардан кўриниб турибдики, хромнинг ковшга киритилиши ейилишбардошликнинг ортишига кўпроқ таъсир кўрсатади. Бу ковш ичида киритилган хромнинг яхши суюқланиши ва ҳажм бўйича бир меъёрда тақсимланиши билан боғлиқ бўлиш эҳтимолини кўрсатади. Сабаби хром бўлаклари кокил ичида суюқланиб, қотишма ҳажми бўйича тенг тақсимланиш имконига эга бўлмаслиги катта эҳтимол. Тадқиқотнинг кейинги босқичида кокил ичига киритиладиган хромни кукунсимон кўринишда амалга ошириш режалаштирилди. Бунда хром кукунининг қуйиб кетишининг олдини олиш мақсадида уни иссиқбардош бўёқ таркибига қўшиш усули амалга оширилди. Бунинг учун қолипга оқ чўянни қуйиш жараёнида металл юзасида қаттиқ қобик ҳосил қилиш учун қолипнинг ички ишчи юзаси махсус иссиқбардош бўёқ билан қопланди. Бунда бўёқ таркибига хром кукуни қўшилди ва унинг металл билан реакцияга киришиши ҳисобига хромланган юза ҳосил бўлиши таъминланди. 4-расмда қолипга хром кукуни асосидаги иссиқбардош бўёқ берилганида ҳосил бўладиган юза қатлам қалинлиги орасидаги боғлиқлик графиги келтирилган.



4-расм. Қолига хром кукуни асосидаги иссиқбардош бўёқ берилганида ҳосил бўладиган юза қатлам қалинлиги.

Оқ чўяндан олинган қўйма деталининг юзасида ҳосил бўлган қобиқнинг ейилишбардошлигини аниқлаш натижасида хром миқдориغا кўра оқ чўяни ейилиш даражасининг ўзгариш графиги ишлаб чиқилди. 5-расмда деталь юзасининг ейилиш қалинлигининг иссиқбардош бўёқ таркибига қўшилган хром миқдориغا боғлиқлик графиги келтирилган.




5-расм. Хром миқдориغا кўра оқ чўяни ейилиш даражасининг ўзгариш графиги.


Олинган натижа ва ишлаб чиқилган графикдан кўриниб турибдики, иссиқбардош бўёқ таркибига киритилган хром кукунининг миқдориغا боғлиқ равишда ейилиш даражаси тесқари пропорционал равишда камайиб боради.

Лекин бу камайиш текис чизикли бўлмасдан, хром миқдорининг 9-11% гача ортишида ейилишбардошлик кескин ортиб, хром миқдори 11% дан ортганидан кейин меъёрлашади ва 12-15% миқдоргача хром кукунининг ортиши ейилишбардошликка сезиларли таъсир кўрсатмайди. Тадқиқот натижаларида иссиқбардош бўёқ таркибига киритиладиган хром кукунининг миқдори 9-11% бўлиши самарали экани аниқланди.

6-расмда 11 % ли хром асосидаги иссиқбардош бўёқ билан кокил ишчи юзасига ишлов берилганидаги оқ чўяннинг структураси келтирилган.




6-расм. 11 % ли хром асосидаги иссиқбардош бўёқ билан кокил ишчи юзасига ишлов берилганидаги оқ чўяннинг структураси.



7- расм. Хром асосидаги иссиқбардош бўёқ билан кокил ишчи юзасининг ишлов берилганидаги юза қатламнинг кимёвий таркиби.

8-расмда 16 % ли хром асосидаги иссиқбардош бўёқ билан кокил ишчи юзасига ишлов берилганидаги оқ чўяннинг структураси келтирилган.



8-расм. 16 % ли хром асосидаги иссиқбардош бўёқ билан кокил ишчи юзасига ишлов берилганидаги оқ чўяннинг структураси.

11 % ли ва 16% ли хром таркибли иссиқбардош бўёқлар ёрдамида олинган қуйма деталь юзаларининг структураси деярли бир хил бўлгани сабабли, таркиби 9-11% ли хром киритилган иссиқбардош бўёқдан фойдаланиш кифоя деган хулосага келиш мумкин.


3 боб бўйича ишлаб чиқилган хулосалар.

1. Оқ чўядан олинган қуйма деталларнинг ейилишбардошлигини ошириш учун қолипнинг ишчи юзаси иссиқбардош бўёқ асосидаги 14-16 % миқдоридаги хром кукуни билан бойитилган аралашма билан ишлов бериш технологияси ишлаб чиқиш бутун ҳажм бўйича қотишмани 30-35% миқдоридаги хром билан легирлаш билан деярли бир хил ейилишбардошликка эришилади.
2. Қолип ишчи юзасига хром кукуни билан ишлов берилиши асосида юза мустаҳкамлик 18-20 % га ортишини таъминлайдиган технология ишлаб чиқилди.
3. Оқ чўядан ишлаб чиқиладиган деталларнинг юза мустаҳкамлигини ошириш учун деталнинг ишчи юзасига хром билан ишлов берилиши

оқибатида бутун ҳажмга ишлов берилганига нисбатан хромнинг сарфи 60-65 % га кам бўлишини таъминлайдиган технология ишлаб чиқилди.


Диссертациянинг «Оқ чўянлардан қуйма усулида олинадиган машинасозлик деталларининг ейилишбардошлигини ошириш технологиясини ишлаб чиқаришга жорий қилиш ва унинг математик моделини ишлаб чиқиш» деб номланган тўртинчи бобида оқ чўядан олинадиган машинасозлик деталлари ишчи юзаларининг ейилишбардошлигини ошириш технологиясини ишлаб чиқаришга татбиқ этилганлиги ва апробациядан ўтганлиги ҳақида маълумотлар келтирилган.

“Навоий КМК” ДК нинг “Навоий машинасозлик заводи” ишлаб чиқариш корхонасига оқ чўядан олинадиган машинасозлик деталлари ишчи юзаларининг ейилишбардошлигини ошириш технологияси жорий қилинди ва деталь ишчи юзасининг ейилишбардошлигини таъминлаган ҳолда хром элементининг сарф этилиш миқдори 20-22% га қисқартирилди. Бунда қум-гилли қолип ички юзасига сепиладиган иссиқбардош бўёқ таркибига 9-11% хром қўшилиши олинаётган қуйма маҳсулотнинг ишчи юзасидаги ейилишбардошликни 30-35% хромли оқ чўянларнинг ейилишбардошлиги билан бир хил даражага эришилди. 9-расмда олинган қуйма юзасининг сканерлашдаги кўриниши келтирилган.



9-расм. Оқ чўяни бир марталик қолипга қуйишдан олдин қолип ички юзасига 9-11% хром қўшилган иссиқбардош бўёқ билан ишлов берилганда олинган деталь ишчи юзаси.

Хромланган юза қатлам қалинлигининг хром миқдorigа боғлиқ ҳолда ўзгариши математик модели



10-расм. Қолипга хром кукуни асосидаги иссиқбардош бўёк берилганида ҳосил бўладиган юза қатлам қалинлиги

Тажрибадан аниқланган маълумотлар (10-расм) асосида хромланган юза қатлам қалинлигининг хром миқдорига боғлиқ ҳолда ортиб бориши графикда тасвирланган. Ушбу маълумотлар асосида хром миқдорининг ортиши билан хромланган юза қатлам қалинлиги ўзгаришини математик моделлаштириш масаласини, яъни математик функционал боғланишни аниқлаш ёрдамида тажриба натижаларини аналитик нуқтаи назардан аниқлаб, кейинги тажрибаларни ўтказмасдан математик баҳолашни кўриб чиқамиз. Ушбу масала ҳам тажриба натижасида олинган сонли кўрсаткичлардан аналитик ифодаларга, яъни бир ўлчовли боғланиш функциясини аниқлаш масаласига келтирилади.

Расмда келтирилган графикдаги тажриба маълумотлари асосида қуйидагиларни келтириш мумкин:

$$\alpha_i = 2i - 1, (i = 1..6 \in N), [\%]; \quad (1)$$

$$\delta_1 = 0,1\text{мм}, \delta_2 = 0,14\text{мм}, \delta_3 = 0,2\text{мм}, \delta_4 = 0,32\text{мм}, \delta_5 = 0,5\text{мм}, \delta_6 = 0,75\text{мм}$$

Ушбу қийматларга мос алгебраик тенгламалар системасининг вектор формаси қуйидаги кўринишни эгаллайди:

$$\begin{bmatrix} 1 & \alpha_1 & \alpha_1^2 & \alpha_1^3 & \alpha_1^4 & \alpha_1^5 \\ 1 & \alpha_2 & \alpha_2^2 & \alpha_2^3 & \alpha_2^4 & \alpha_2^5 \\ 1 & \alpha_3 & \alpha_3^2 & \alpha_3^3 & \alpha_3^4 & \alpha_3^5 \\ 1 & \alpha_4 & \alpha_4^2 & \alpha_4^3 & \alpha_4^4 & \alpha_4^5 \\ 1 & \alpha_5 & \alpha_5^2 & \alpha_5^3 & \alpha_5^4 & \alpha_5^5 \\ 1 & \alpha_6 & \alpha_6^2 & \alpha_6^3 & \alpha_6^4 & \alpha_6^5 \end{bmatrix} \cdot \begin{bmatrix} a_1 \\ a_2 \\ a_3 \\ a_4 \\ a_5 \\ a_6 \end{bmatrix} = \begin{bmatrix} \delta_1 \\ \delta_2 \\ \delta_3 \\ \delta_4 \\ \delta_5 \\ \delta_6 \end{bmatrix} \quad (2)$$

Ушбу системани ошкор кўринишда ёзсак, қуйидаги системага эга бўламиз:

$$\begin{cases} a_1 + a_2 + a_3 + a_4 + a_5 + a_6 = 0,1 \\ a_1 + 3a_2 + 3^2a_3 + 3^3a_4 + 3^4a_5 + 3^5a_6 = 0,14 \\ a_1 + 5a_2 + 5^2a_3 + 5^3a_4 + 5^4a_5 + 5^5a_6 = 0,2 \\ a_1 + 7a_2 + 7^2a_3 + 7^3a_4 + 7^4a_5 + 7^5a_6 = 0,32 \\ a_1 + 9a_2 + 9^2a_3 + 9^3a_4 + 9^4a_5 + 9^5a_6 = 0,5 \\ a_1 + 11a_2 + 11^2a_3 + 11^3a_4 + 11^4a_5 + 11^5a_6 = 0,75 \end{cases} \quad (3)$$

Ушбу бир жинсли бўлмаган алгебраик тенгламалар системасини тескари матрица усулида *Maple 13* дастурий пакети ёрдамида ечсак, тенгламанинг ушбу илдиэларига эга бўламиз:

$$\begin{aligned} a_1 &= 0,0517578125, a_2 = 0,0694921875, a_3 = -0,026328125, \\ a_4 &= -0,005494791667, a_5 = -0,0004296875, a_6 = 0,000013021 \end{aligned} \quad (4)$$

Хром миқдорининг ортиши билан хромланган юза қатлам қалинлиги ўзгаришини характерлайдиган функция қуйидаги кўринишда бўлади:

$$\begin{aligned} \delta(\alpha) &= 0,000013021\alpha^5 - 0,0004296875\alpha^4 + 0,005494791667\alpha^3 - \\ &- 0,026328125\alpha^2 + 0,0694921875\alpha + 0,0517578125 \end{aligned} \quad (5)$$

Ушбу (5) ифода ёрдамида хром миқдори α (%) нинг ортиши билан хромланган юза қатлам қалинлиги δ (мм) ни ўзгаришини бир қийматли аниқлаш имконига эга бўламиз.


(5) функциянинг аниқлик даражасини етарлича катталигини кўрсатиш мақсадида ҳисоблашларни *Maple 13* дастуридан фойдаланган ҳолда келтирамиз:

```
> restart;
> solve({a[1]+a[2]+a[3]+a[4]+a[5]+a[6]=0.1,
a[1]+3*a[2]+9*a[3]+27*a[4]+81*a[5]+243*a[6]=0.14,a[1]+5*a[2]+25*a[3]+125
*a[4]+625*a[5]+5^5*a[6]=0.2,a[1]+7*a[2]+49*a[3]+7^3*a[4]+7^4*a[5]+7^5*a
[6]=0.32,a[1]+9*a[2]+81*a[3]+729*a[4]+9^4*a[5]+9^5*a[6]=0.5,a[1]+11*a[2]+
11^2*a[3]+11^3*a[4]+11^4*a[5]+11^5*a[6]=0.75},{a[1],a[2],a[3],a[4],a[5],a[6]
});
```

$$\begin{aligned} &[[a_1 = 0.05175781250, a_2 = 0.06949218750, a_3 = \\ &-0.02632812500, a_4 = 0.005494791667, a_5 = \\ &-0.0004296875000, a_6 = 0.00001302083333]] \end{aligned}$$

> delta:=0.00001302083333*alpha^5-0.4296875000e-3*alpha^4+0.005494791667*alpha^3-0.2632812500e-1*alpha^2+0.06949218750*alpha+0.5175781250e-1;

$$\delta := 0.00001302083333 \alpha^5 - 0.0004296875000 \alpha^4 + 0.005494791667 \alpha^3 - 0.02632812500 \alpha^2 + 0.06949218750 \alpha + 0.05175781250$$



11-расм. Моделлаштириш асосида хром миқдори α (%) нинг ортиши билан хромланган юза қатлам қалинлиги δ (мм) нинг ўзгариши графиги

Келтирилган *Maple 13* дастури ёрдамида олинган сонли кўрсаткичлардан айтиш мумкинки, ҳисоблашлар 10^{-10} аниқлигида бажарилган.

Таъкидлаш лозимки, ҳосил қилинган (5) ифода ёрдамида хром миқдори α (%) нинг ортиши билан хромланган юза қатлам қалинлиги δ (мм) ни ўзгаришини бир қийматли аниқлаш билан биргаликда ушбу функция дастлабки тажриба натижаларига асосланган ҳолда, кейинги натижаларни тажриба ўтказмасдан аниқлаш имконини беради. Масалан, **eval(delta,alpha=8);**

0.4026953135

eval(delta,alpha=10);

0.6138671875

хром миқдори 8 % га етганда хромланган юза қатлам қалинлиги δ (мм) ни 0,4027 мм га етганининг, шунингдек, хром миқдори 10 % га етганда хромланган юза қатлам қалинлиги δ (мм) ни 0,6139 мм га етганини кўриш мумкин.

Ишлаб чиқариш шароитида турли ҳажм ва ҳароратга мос равишда

иссиқбардош бўёқни қўллаш учун жараённинг математик модели ишлаб чиқилди. Математик моделни тузишда Лагранжнинг интерполяцион кўпҳадини тузиб чиқамиз. Яъни масала алгебраик тенгламалар системасига келтирилиб, номаълум коэффициентларни аниқлаш билан самарадорлик функциясини кўпхад шаклида ифодалаш билан кечади.

$$\begin{bmatrix} 1 & x_0 & x_0^2 & \dots & x_0^n \\ 1 & x_1 & x_1^2 & \dots & x_1^n \\ \vdots & \vdots & \vdots & \ddots & \vdots \\ 1 & x_n & x_n^2 & \dots & x_n^n \end{bmatrix} \cdot \begin{bmatrix} a_0 \\ a_1 \\ \vdots \\ a_n \end{bmatrix} = \begin{bmatrix} y_0 \\ y_1 \\ \vdots \\ y_n \end{bmatrix} \quad (6)$$

тенгламада $n=3$ бўлиб, вектор тенглама

$$\begin{bmatrix} 1 & T_1 & T_1^2 \\ 1 & T_2 & T_2^2 \\ 1 & T_3 & T_3^2 \end{bmatrix} \cdot \begin{bmatrix} a_1 \\ a_2 \\ a_3 \end{bmatrix} = \begin{bmatrix} \lambda_1 \\ \lambda_2 \\ \lambda_3 \end{bmatrix} \quad (7)$$

бўлиб, бунда $n=3, T_1=1000, T_2=1100, T_3=1200;$ эканидан (1) алгебраик $\lambda_1=32,6, \lambda_2=35,8, \lambda_3=38,5.$

тенгламалар системаси қуйидагича бўлади:

$$\begin{cases} a_1 + 1000a_2 + 1000^2 a_3 = 32,6 \\ a_1 + 1100a_2 + 1100^2 a_3 = 35,8. \\ a_1 + 1200a_2 + 1200^2 a_3 = 38,5 \end{cases} \quad (8)$$

Бу системани ечсак, $a_1 = -26,9, a_2 = 0,0845, a_3 = -0,000025$ бўлиб, қуйилаётган қотишма ҳароратига кўра бўёқ таркибидаги хром миқдорини ва унинг кукуни дисперслигини характерлайдиган функция қуйидаги кўринишда бўлади:

$$\lambda(T) = -26,9 + 0,0845T - 0,000025T^2. \quad (9)$$

(4) функция 100 гр иссиқбардош бўёқ таркибидаги хромнинг миқдори 9-11 гр бўлганда бўёқ ҳароратининг ортиши билан бўёқдаги хром кукунининг қотишма таркибига сингиш самарадорлигини тўлиқ аниқлаб беради. Худди шунингдек, бўёқ таркибидаги хромнинг миқдори 12-16 гр бўлганда, алгебраик тенгламалар системаси

$$\begin{cases} a_1 + 1000a_2 + 1000^2a_3 = 33,6 \\ a_1 + 1100a_2 + 1100^2a_3 = 36,4 \\ a_1 + 1200a_2 + 1200^2a_3 = 40,6 \end{cases} \quad (10)$$

бўлиб, ушбу системани ечсак, $a_1 = 82,6$, $a_2 = -0,119$, $a_3 = 0,00007$ бўлиб, қуйилаётган қотишма ҳароратига кўра бўёқ таркибидаги хром миқдорини ва унинг кукуни дисперслигини характерлайдиган функция қуйидаги кўринишда бўлади:

$$\lambda(T) = 82,6 - 0,119T + 0,00007T^2. \quad (11)$$

ХУЛОСА

«Оқ чўянлардан қуйма усулда олинадиган машинасозлик деталларининг ейилишбардошлигини ошириш технологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Оқ чўянларда хром миқдорини оширмаган ҳолда улардаги карбидларнинг ейилиш юзасига нисбатан перпендикуляр жойлашишини таъминлайдиган технологияни ишлаб чиқиш катта иқтисодий самара беради.

2. Оқ чўяндан олинган қуйма деталларнинг ейилишбардошлигини ошириш учун қолипнинг ишчи юзаси иссиқбардош бўёқ асосидаги 14-16 % миқдоридаги хром кукуни билан бойитилган аралашма билан ишлов бериш технологияси ишлаб чиқиш бутун ҳажм бўйича қотишмани 30-35% миқдоридаги хром билан легирлаш билан деярли бир хил ейилишбардошликка эришилди. Бу ейилишбардош оқ чўянлардан қуйма маҳсулотлар ишлаб чиқишда хром элементини тежаш учун хизмат қилади.

3. Қолип ишчи юзасига хром кукуни билан ишлов берилиши асосида юза мустаҳкамлик 18-20 % га ортишини таъминлайдиган технология ишлаб чиқилди. Бу қуйма маҳсулотларни олишда энергия ва ресурс тежамкорлигини таъминлаш учун хизмат қилади.

4. Оқ чўяндан ишлаб чиқиладиган деталларнинг юза мустаҳкамлигини ошириш учун деталнинг ишчи юзасига хром билан ишлов берилиши оқибатида бутун ҳажмга ишлов берилганига нисбатан хромнинг сарфи 60-65 % га кам бўлишини таъминлайдиган технология ишлаб чиқилди. Бу қуйма маҳсулотларнинг ейилишбардошлигини ошириш учун хизмат қилади.

5. Оқ чўянлардан ейилишбардош қуйма маҳсулотлар олишда хром миқдори билан унинг дисперслигини оптималлаш имконини берадиган математик модель ишлаб чиқилди. Олинган натижалар ишлаб чиқариш корхоналарида иш унумининг ортиши, ресурс ва энергия тежамкорлигини таъминлаш, атроф-муҳит экологиясини яхшилаш учун хизмат қилади.

6. Оқ чўяндан ишлаб чиқиладиган деталларнинг юза мустаҳкамлигини ошириш учун кокилнинг ишчи юзасига хромли иссиқбардош бўёқ билан ишлов берилиш технологиясининг қўлланилиши натижасида “Навоий КМК” ДК қошидаги “Навоий машинасозлик заводи” ишлаб чиқариш корхонасида йилига 100 млн сўмлик иқтисодий самара кўрилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 03/30.12.2019.Т.03.04
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ОДИЛОВ ФУРКАТ УМАРБЕКОВИЧ

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПОВЫШЕНИЯ ИЗНОСОСТОЙКОСТИ
МАШИНОСТРОИТЕЛЬНЫХ ДЕТАЛЕЙ ИЗ БЕЛОГО ЧУГУНА,
ПОЛУЧАЕМЫХ МЕТОДОМ ЛИТЬЯ**

**05.02.01 –Материаловедение в машиностроении. Литейное производство.
Термическая обработка и обработка металлов давлением. Металлургия чёрных,
цветных и редких металлов. Технология уникальных, редких и радиоактивных
элементов (по направлению литейного производства и технологии обработки
металлов)**

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером В2020.4.PhD/Г724

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу (www.tdtu.uz) и информационно-образовательном портале «Ziynet» по адресу (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Атажанов Гапур Латибович
кандидат технических наук, доцент

Официальные оппоненты: Норхуджаев Файзулла Рамазанович
доктор технических наук, профессор
Худояров Сулейман Рашидович
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация: Ферганский политехнический институт

Защита диссертации состоится «22» декабрь 2021 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc. 03/30.12.2019.T.03 04 при Ташкентском государственном техническом университете и Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100095, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 2. Тел./факс:(99871) 227-10-32, e-mail: (tadqiqotchi@tdtu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (зарегистрирована за № 233) (Адрес: 100095, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 2. Тел./факс: (99871) 227-10-32).

Автореферат диссертации разослан «09» декабрь 2021 года.
(реестр протокол рассылки № 131 от «09» декабрь 2021 года).



К.А.Каримов

Председатель научного совета
по присуждению учёных степеней,
доктор технических наук, профессор

Ш.Б.Ташбулатов
учёный секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней,
доктор философии по техническим наукам

Н.Д.Тураходжаев
Председатель Научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней,
доктор технических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировой металлургической промышленности, особое внимание уделяется комплексному получению износостойких машиностроительных деталей из дешевого и удобного белого чугуна. Наряду с этим, обеспечение ресурсосбережения при изготовлении машиностроительных деталей методом литья, снижение расхода дорогостоящего модификатора при обработке жидкого расплава, применение эффективной технологии при получении износостойкой структуры является одной из важнейших задач. В этой связи, в научных центрах таких развитых странах как США, Германия, Италия, Испания, Россия, Китай и др. уделяется особое внимание получению качественной структуры при изготовлении износостойких машиностроительных деталей из белого чугуна.

В мире широко проводятся научно-исследовательские работы по разработке технологии улучшения качества структуры сплава при получении машиностроительных деталей методом литья. В данном направлении, в частности в применении метода ввода в состав белого чугуна элементов хрома в качестве модификатора, обеспечении равномерного становления структуры с помощью различных модификаторов, управление направленностью роста карбидов в образующейся структуре и разработка режимов термической обработки имеет важное значение. В том числе, разработка ресурсо- и энергосберегающей технологии при образовании износостойкой поверхности, является важной задачей.

В республике осуществляются мероприятия по комплексному использованию минеральных ресурсов, комплексной переработке производственных шлаков. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах определены задачи, включающие «...укрепление макроэкономической стабильности и сохранение высоких темпов роста экономики, повышение ее конкурентоспособности,... сокращение энергоемкости и ресурсоемкости экономики, широкое внедрение в производство энергосберегающих технологий». Выполнение данных задач, в частности внедрение в практику эффективного использования существующих ресурсов, внедрение в производство малозатратных технологий при изготовлении машиностроительных деталей из белого чугуна, а также разработка технологии, обеспечивающей получения износостойкой структуры при изготовлении машиностроительных деталей из белого чугуна является одной из важных задач.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», в Постановлениях № ПП-2698 от 26 декабря 2016 года «О мерах по дальнейшей реализации перспективных проектов локализации производства готовых видов

продукции, комплектующих изделий и материалов на 2017-2019 годы»¹, № ПП-3117 от 7 июля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию научно-технической базы в сфере сельскохозяйственного машиностроения», № ПП-3682 от 27 апреля 2018 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы практического внедрения инновационных идей, технологий и проектов», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики II «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы. Учёными многих стран мира выполнено много исследований по разработке эффективной технологии для изготовления износостойкой машиностроительной детали из белого чугуна.

